O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
27 AVGUST
SESHANBA
№ 105-106 (26.965)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎТГАН ҲАФТА:
ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ОЛИЙ НОМ, ОЛИЙ ҚАДР, ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 11 йиллиги арафасида мамлакатимиз ҳаётида бири-биридан муҳим, бири-биридан қувончли воқеалар ва янгиликлар содир бўлмоқда. Қайси соҳани олманг, бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Юртбошимизнинг 24 август куни матбуотда эълон қилинган иккита Фармони ана шундай муҳим ва тарихий воқеалар сирасига киради. Фармонларнинг бирида мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, унинг дунё миқёсидаги шон-шуҳрати ва обрўсини юксалтириш йўлидаги фидокорона меҳнатлари учун олти нафар юртдошимиз Ватанимизнинг энг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Ҳар қандай мукофот ва рағбат замирида инсонга эътибор, унинг меҳнатини муносиб қадрлаш ётади. Бугун қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлганларнинг ҳар бири ғоят катта хизматлари эвазига олий нишон — «Олтин юлдуз» медалига муносиб кўрилди.

Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан ва саноат арбобларидан бир гуруҳини «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармон ўзларининг бетакрор истеъдодлари билан катта илмий-ижодий мерос қолдирган устоз алломаларимиз тимсолида ҳалол меҳнат ҳеч қачон унутилмаслигини яна бир бор исботлади. Зеро, меҳр, оқибат, қадрият сингари миллий удумларимиз, юксак инсоний ахлоқ ва одобларимиз мезонларига кўра ўз ҳаётини Ватани, халқи, миллати тараққиётига бағишлаган Инсонлар номи ҳеч қачон ўчмаган, унутилмаган.

Ўтган ҳафтанинг оламшумул аҳамиятга эга воқеаларидан яна бири — бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 6 августда «Навоий — Учқудуқ — Султон Увайстоғ — Нукус» темир йўл линиясини қайта таъмирлаш ва қуриш ҳақида» қабул қилган қарор аъло даражада ижро этилганлиги бўлди. Мамлакатимиз ҳудудида ястаниб ёзган Қизилқум барханлари оша ётқизилган бу янги пўлат излар — таъбир жоиз бўлса, пўлат белбоғ — Ўзбекистонда ягона темир йўл тизими таркиб топишида дадил қадамдир.

У эндиликда янги-янги ҳудудларни ва фойдали қазилма конларини тўла ўзлаштириш, диёримиз аҳолиси ҳамда халқ хўжалигини темир йўл хизмати билан таъминлаш имконини берди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида транспорт тармоғи ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди. Қолаверса, бу йўлдан юрувчи поездлар эндиликда қўшни республика — Туркманистон ҳудуди орқали эмас, балки бошидан охиригача Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб ҳаракат қилади.

«Иқтисодиётимизнинг қон тизими бўлган темир йўл тизимини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган, лойиҳа қиймати 38,9 миллиард сўмни ташкил этадиган ушбу қурилишнинг айнан истиқлол йилларида амалга оширилгани мустақиллик халқимиз учун берган имкониятларнинг яна бир ёрқин намоёнидир», — деди Президентимиз Ислом Каримов темир йўл бунёдкорларига йўллаган табрик хатида.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда унинг нуфузини ошириш, халқимиз маънавияти ва маданиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, ўзининг ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва бошқа ижтимоий соҳалардаги кўп йиллик самарали меҳнатини эътиборга олиб ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНЪАТ АРБОБИ»

Абдуллаев Рустамбек Самиғович— Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти катта илмий ходими

Эргашев Анвар Йўлдошевич — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри бош дирижёри, бастакор

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»

Раҳимова Мукамбар Ҳакимовна — «Ўзбекфильм» киностудияси дубляж актёри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

Имомов Дилёр Сидиқович — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти профессори, рангтасвирчи

Перов Александр Петрович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»

Нарзуллаев Алишер Ибодуллаевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Бухоро вилоят бўлими кулоли

Одилов Ҳасан Пирматович — «Устозода» халқ амалий санъати корхонаси ёғоч ўймакори

Раҳматов Мирмаҳмуд Мираҳматович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч ўймакори

Соҳибназаров Насрулло — Самарқанд вилоятлараро «Усто» бирлашмаси ёғоч ўймакори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

Умаров Фахриддин — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист, меҳнат фахрийси

«ЎЗБЕКИСТОН ИФТИХОРИ»

Андреев Леонид Владимирович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг енгил атлетика бўйича спорт йўриқчиси

Худойбердиев Аслиддин Ҳақбердиевич — Марказий ҳарбий спорт клубининг ҳарбий хизматчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

Абдуваҳобов Абдурайим Абдуллахаевич — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Абдуллаев Адҳам Жуманович — Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

Абдуллаев Фарҳод Бадалович — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

Азизов Зариф Саидович — Маданият ишлари вазирлигининг Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

Азизова Тожибархон Мўминовна — Ички ишлар вазирлиги қошидаги «Турон юлдузлари» ансамбли хонандаси

Зиёева Маликахон — «Ўзтелерадио» компанияси қошидаги «Мақом» ансамбли созандаси, дуторчи

Комилов Ҳожиакбар Толипович — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Мирзаев Комилжон Ғуломович — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси созандаси, ғижжакчи

Мирзайдинова Феруза Маҳкамовна — «Сетора» эстрада гуруҳи хонандаси

Назархонова Севара Анваржоновна — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

Норбоев Ғофур Неъматович — «Сўғдиёна» ўзбек халқ чолғу оркестри созандаси, найчи

Парпиев Турсунбой Ҳожиевич — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Андижон вилоят бўлими хонандаси

Раимжонов Анвар Ҳусаинович — «Ўзбекистон қўлистлари» камер ансамбли бадиий раҳбари ва дирижёри

Расулов Алишер Турсунбоевич — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

Сайдалиев Вали — Алишер Навоий номидаги Наманган вилоят мусиқали драма театри актёри

Салимов Меҳмонали — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

Собиров Оғабой Каримович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Хоразм вилояти бўлими хонандаси

Стоцкая Людмила Ивановна — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

Текоев Таймураз Муратович — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси, балетмейстер

Тилегенов Конисбай Базарбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси «Айқулаш» ашула ва рақс ансамбли балет солисти

Титеев Ринат — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

Турсунова Зебо Рашидовна — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси Қашқадарё вилояти бўлими бош балетмейстери

Хисамиева Талия Салиховна — «Баҳор» ансамбли балетмейстери

Холиқова Муқаддас Шомақсудовна — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

Шилова Надежда Дмитриевна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

Эргашев Ғуломқодир — Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти, рубобчи

Юсупов Жалол Шарафутдинович — Ўзбекистон Ёшлар театри актёри

Қосимова Сайёра Раҳимовна — Сурхондарё вилояти «Бойсун» фольклор-этнографик ансамбли хонандаси

Ҳайдаров Тўлқинжон Усмонович — Фарғона вилояти Бағдод тумани маданият уйи раҳбари, хонанда

Ҳожмамедов Рустам Давронович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси Самарқанд вилоят бўлими хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Абдурашидов Тўхтамурод — Тошкент кимё-технология институтининг юқори молекулали бирикмалар кимёвий технологияси кафедраси профессори

Абдурашидов Қобул Содиқович — Тошкент архитектура-қурилиш институтининг қурилиш механикаси ва иншоотлар зилзилабардошлиги кафедраси мудири

Баяндиев Тешабай — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти профессори

Бекметов Матсапа — Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти ортопедик стоматология кафедраси мудири, профессор

Дўсқораев Бойбўта Абдуғаниевич — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг журналистика назарияси, амалиёти ва тарихи кафедраси мудири

(Давоми 2-бетда)

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎҚҚИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессияси 2002 йил 29 август куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

Олий Мажлисда 27 август куни соат 15.00 да «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 27 август куни соат 17.00 да бўлади.

Олий Мажлисда 28 август куни соат 13.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоки, соат 15.00 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоки йиғилишлари ўтказилади.

УНВОНЛАР ТОПШИРИЛДИ

Малайзиянинг Серембран шаҳрида бокс бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси муваффақиятли иштирок этди. Қитъа биринчилигида боксчиларимиздан Б.Хидиров, Б.Сарсекбоев, Ў.Ҳайдаров, И.Бердиев, Р.Саидов олтин, Т.Дониёров, Ш.Хусанов С.Михайлов бронза медалини қўлга киритиб, Ватанимиз мустақиллигининг 11 йиллик шодиёнасига муносиб совға ҳозирлади.

Президентимиз Ислом Каримов боксчиларимизнинг бу улкан ғалабасини юксак баҳолаб, уларнинг баъзиларини давлат мукофотлари билан тақдирлаш ҳақидаги Фармонга имзо чекканди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Икром Бердиев, Беҳзод Хидиров, Бахит Сарсекбоев, Шерзод Ҳусанов, Сергей Михайлов ва Тўлашбой Дониёровга «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони ва бокс мураббийи Ҳабибулла Усмоновга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози» унвони нишони тантанали топширилди.

— Менга камтарона меҳнатим учун «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони берилганидан беҳад хурсандман, — деди Осиё чемпиони Бахит Сарсекбоев ЎзА мухбирига. — Юртбошимиз Ислом Каримов доимо биз, спортчиларни қўллаб-қувватламоқда. Бунга жавобан Ватанимиз байроғини энг нуфузли мусобақаларда сарбаланд этишга бундан буён ҳам интилаверамиз. Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтадиган Осиё ўйинлари ҳамда 2004 йили Грециядa бўладиган Олимпиада мусобақаларида ҳам қитъа биринчилигида эришган муваффақиятимни такрорлашга ҳаракат қиламан.

Спортчиларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосарлари Ҳ.Кароматов, Ў.Исмоилов иштирок этди.

■ **Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири**

ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Бухоро аэропортига АҚШдан инсонпарварлик юкини ортган Ан-12 юк самолёти келиб қўнди. Юк ва уни келтирган кишиларни вилоят ҳокимлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси вакиллари кутиб олишди.

— Биз Бухорога 1 миллион 300 минг долларлик дори-дармонлар, боғловчи ашёлар келтирдик, — деди АҚШнинг инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бўйича халқаро дастури директори Айме Хилберт хоним. — Ушбу инсонпарварлик ёрдамини «Дори-дармон» акциядорлик жамияти омборларидан «Соғлом авлод учун» нодавлат ташкилоти тақсимлайди.

■ **«Туркистон-пресс»**

ТОШКЕНТ: КЕЧА ВА БУГУН



(Ушбу сурат республика Киносурат ва овозли ҳужжатлар Марказий Давлат архивидан олинди).

Бир пайтлар кўримсиз пахса ва чўпкари уйлардан иборат «Шибли» маҳалласи 1966 йилги зилзиладан анча зиён кўрганди. Кўп уйлар бузилиб кетди, маҳалла ва унинг кўчалари узоқ йиллар кўримсиз ётди.

Мустақилликдан сўнг қисқа муддатда бу ерда бири-биридан гўзал ва мухташам учта бино қад ростлади: Ўзбекистон Миллий банки, Халқаро бизнес маркази ва «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси. Агар кимдир ўн беш йил илгари юртимизда ана шундай осмонўпар, замонавий бинолар қурилиши мумкинлигини айтса ишонармидик?! Асло ишонмасдик. Чунки, бундай бинолар бизга раво кўрилмасди, ҳеч ким қуришга рухсат ҳам бермасди. Бугун пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган бу биноларга дунёнинг турли мамлакатларидан ишбилармон, бизнесмен, давлат арбоблари, спорт юлдузлари ташриф буюрмоқда. Худо хоҳласа, бу бинолар асрлар оша юртимизга, халқимизга хизмат қилади. Уларнинг сафи кенгаяди.

■ **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жабборов Неъматилла — Фарғона политехника институтининг ёғ-мой технологияси кафедраси доценти

Жўрақулов Мавлон Жўрақулович — Самарқанд давлат университетининг археология кафедраси мудири

Каримов Эгамберган Каримович — Хоразм вилояти Урганч шаҳар автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежи директори

Маннонов Абдураҳим Муталович — Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқув ишлари бўйича проректори

Мелкомини Виталий Львович — Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори

Мўминов Агамамат — Сурхондарё вилояти Термиз туманидаги 17-ихтисослаштирилган мактаб-интернат директори

Полвонов Эсонбек — Жиззах вилояти Фориш тумани 14-ўрта мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси

Тожибоева Саодат — Қарши ижтимоий-педагогика касб-ҳунар коллежининг кимё ва биология фани ўқитувчиси

Тўраев Азиз Оппоқович — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректори

Қодиров Туйғун Мажидович — Тошкент давлат техника университетининг электр таъминоти кафедраси профессори

Ҳаитов Жумақул — Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти кафедра мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

Абдувалиев Анваржон — Ўзбекистон радиоси «Ахборот» муҳарририяти бош муҳаррири

Аҳмедов Аҳрор Аҳмедович — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти муҳаррири

Исмоилов Жаҳонгир Холмуродович — «Маърифат» газетасининг Бухоро вилояти мухбири

Холматова Мукаррамхон Ғаниевна — Андижон вилояти «Асака ҳаёти» газетаси бўлим муҳаррири

Хонимқулов Аликул Жўлиевич — «Халқ сўзи» газетасининг Сирдарё вилояти мухбири

Эгамқулов Беккул Умматович — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бўлим мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ИХТИРОЧИ ВА РАЦИОНАЛИЗАТОР»

Долимов Давронбек Нигманович — Ўз ФА О.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институтининг лаборатория мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

Аҳмедов Баходир Ғаниевич — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектелефильм» студиясининг кинорежиссёри

Бобожонов Султоннозир — Хоразм вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи

Жўраев Мадамин — Фарғона вилояти Қўқон шаҳар Ҳамза номидаги мусиқали драма театри бош режиссёри

Жўрақулов Қодир Жўрақулович — Навоий вилояти Конимех тумани маданият уйи бадиий раҳбари

Мансуров Имяр Идрисович — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Насриддинов Баҳриддин — Ўзбекистон Театр ижодкорлари уюшмаси аъзоси, санъатшунос

Пармонов Аҳад Жўраевич — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри режиссёри

Солиев Ҳабибулло Исмоилович — Тошкент Ислом университети ҳаттотлик бўлими бошлиғи

Шамсутдинов Рустам Диномович — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси режиссёри

Шин Искра Ильинична — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Ўтбосаров Абдумўмин Абдумажидович — «Ўзтелерадио» компанияси диктори

Қосимов Нуриддин — «Ўзтелерадио» компанияси «Маънавият» студияси бош режиссёри

Ҳакимов Саъдулла — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

Ҳасанов Қаҳрамон Иброҳимович — «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси кинооператори

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

Бобожонов Қаландар — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Воҳидов номидаги хирургия илмий марказининг бўлим раҳбари

Ешанов Шамурат — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси соғлиқни сақлаш хизматининг Кўнғирот бекати шифохонаси бўлим бошлиғи

Калиш Юрий Иванович — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг академик В.Воҳидов номидаги хирургия илмий марказининг бўлим раҳбари

Маҳкамов Козим Эргашевич — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг бўлим раҳбари

Расулов Нигматулла — Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори

Қосимов Эркин Йўлдошевич — Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институтининг ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

Бабанина Светлана Викторовна — Республика Олимпия заҳиралари коллежининг сузиш бўйича мураббийси

Илҳомов Рустам Илҳомович — «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг махсус жисмоний тайёргарлик маркази бошлиғи

Ким Александр Анатольевич — Таэквандо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийси

Маҳмудов Шаҳрулло Шарипович — Республика Олимпия заҳиралари коллежининг ёшлар терма жамоаси бош мураббийси

Пахомов Владимир Юрьевич — Қорақалпоғистон Республикаси эшкак эшиш бўйича ихтисослаштирилган Олимпия ўринбосарлари мактабининг катта мураббийси

Якубова Разия Гарфитдиновна — Республика Олимпия заҳиралари коллежининг трамполин бўйича мураббийси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТЧИ»

Гаджилавов Магомедали Гусейнович — Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг спорт йўриқчиси

Жўраев Шавкат Ашурович — «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг спорт йўриқчиси

Каспулатова София Ильгизаровна — Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси йўриқчиси

Малюгина Надежда Вячеславовна — Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

Таймазов Артур Борисович — Ўзбекистон Кураш ассоциацияси йўриқчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Мадиримов Маматсоли — Тошкент давлат педагогика университетининг математик таҳлил кафедраси доценти

Нурмонов Абдулҳамид — Андижон давлат университети қошидаги малака ошириш маркази директори

Юсупова Маъмурахон Садировна — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг П.Боровский номидаги тиббиёт коллежи директори

Ҳалқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Пугаченкова Галина Анатольевна — Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, санъатшунос

Ҳайитметов Абдуқодир Ҳожиметович — Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий маслаҳатчиси, адабиётшунос

«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Даминов Бобомурод — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Убайдуллаева Маърифат Сайбуллаевна — А.Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театри актёри

Юнусов Мақсуд — «Ўзтелерадио» компанияси «Маънавият» студияси режиссёри

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдикамолов Бахтиёр Абдираззоқович — Қорақалпоқ давлат университетининг ўқув ишлари бўйича проректори

Абдуалимова Сожида Набиевна — Сурхондарё вилояти Узун туманидаги 12-ўрта мактабнинг тожик тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Азимов Муҳаммадқул — «Сурхон тонги» газетаси муҳаррири

Анненков Петр Тимофеевич — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, график-дизайнер

Жалилов Нуриддин — Фарғона вилояти Марғилон шаҳар босмахонаси директори

Жалолов Тошпўлат — Андижон ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг илмий кенгаши котиби

Жузимбетов Аманияз — Қорақалпоғистон Республикаси халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар маркази бош мутахассиси

Жумаев Қорғди Жўраевич — Бухоро давлат музей-қўриқхонасининг «Ситораи Моҳи Хоса» музейи филиали бошлиғи

Зокиров Ҳосил — «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти бўлим мудири

Ионкина Клавдия Афанасьевна — Тошкент китоб-журнал фабрикаси чоп этувчиси

Лигай Виктор Иванович — Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театри бош рассоми

Мадвалиев Абдуваҳоб Паттоҳович — Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари

Маткаримова Айбиби — Хоразм вилояти болалар шифохонаси бош шифокори ўринбосари

Мирзаев Исроил — Самарқанд давлат университети профессори, адабиётшунос

Муинов Орифжон — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Мухторова Шарбат — Навоий вилояти Нурота тумани «Нурнома» газетаси бўлим мудири

Мўминов Ғофуржон — Наманган саноат касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси

Набиев Ғани — Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги «Наврўз» қишлоқ шифокорлик пункти мудири

Носиров Ҳайдар — «Ўзбекистон овози» газетаси бўлим мудири

Огнева Наталья Сергеевна — А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят кутубхонаси директори ўринбосари

Раҳимов Мирзаадҳам Мирзақимович — Ўзбекистон Миллий университетининг биотехнология кафедраси мудири

Рихсиев Маҳкам — Ўзбекистон радиоси ижтимоий-сиёсий эшиттиришлар муҳарририяти шарҳловчиси

Саъдуллаев Мангуберди Шукурович — «Ўзбекистон» нашриёти ижтимоий-сиёсий адабиётлар бўлими мудири

Султонов Хайрулла Тожиевич — Маданият ишлари вазирлигининг маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш илмий-ишлаб чиқариш бошқармаси мутахассиси

Турсунхўжаев Туйғунхўжа — «Ўзтелерадио» компанияси республика телекўрсатув марказининг чироқ устаси

Холиқова Мастура Назаровна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг хабар узатиш хизмати ходими

Хушвақтов Эркин Болтаевич — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург

Чудаков Виктор Михайлович — Ўз ФА «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Физика-техника институтининг етакчи илмий ходими

Эгамназаров Алиназар Имомназарович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, публицист

Юнусов Абдурашид — Наманган вилояти матбуот бошқармаси бош муҳандиси

Ҳасанов Ҳамидулла — «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-оператори

Ҳусаинов Баҳодир — Хоразм вилояти «Хива» сайёҳлик мажмуаси директори

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун мукофотлансин:

I ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахмонова Ҳамро — Андижон шаҳридаги 2-туғуруқ мажмуасининг акушер-гинекологи

Авазова Адолат Нарзуллаевна — Сурхондарё вилояти Ангор тумани марказий шифохонасининг аёллар маслаҳатхонаси мудири

Алиева Галина Валентиновна — Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 23-оилавий поликлиникасининг гинекологи

Арзиева Ойимхол Тўраевна — Самарқанд шаҳридаги 4-болалар поликлиникасининг маҳалла педиатри

Аҳмедова Дилбархон — Наманган шаҳридаги 2-поликлиника шифокори

Аҳадова Манзурахон Қодировна — Бухоро шаҳридаги 4-поликлиниканинг бўлим мудири

Давлетова Назира — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли тумани марказий шифохонасининг бўлим мудири

Сулейманов Январ — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги қишлоқ шифокорлик пункти мудири

Маҳмудов Орхан Сирожиддинович — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Педиатрия илмий-тадқиқот институтининг бўлим бошлиғи

Пўлатова Гуландом Омоновна — Қашқадарё вилояти оналар ва болалар шифохонасининг бўлим бошлиғи

Турлибекова Кулзамира Тасбауовна — Жиззах вилояти Арнасой туманидаги қишлоқ шифокорлик амбулаторияси ҳамшираси

Хўжаева Оминахон Ҳамидовна — Фарғона вилояти Учқўприк тумани марказий шифохонасининг туғуруқ бўлими доясы

II ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

Алиева Антонина Бобожоновна — Андижон вилояти жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг олий спорт маҳорати мактаби директори

Бегимбекова Седана — Жиззах вилояти Мирзачўл тумани Абай номидаги 2-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Бегларян Валентина Ивановна — Самарқанд вилояти енгил атлетика спорт мактаби мураббийси

Давидбоева Раъно Муҳамаджоновна — Фарғона шаҳар ғўдаклар уйи бош шифокори

Жумабеков Валерий Умарович — Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 20-ўрта мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Жусипбеков Серик Кидирбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббийси

Журкина Валентина Семёновна — Бухоро вилояти болалар касалхонаси физиотерапия бўлими мудири

Комилов Шавкат — Самарқанд банк касб-ҳунар коллежининг жисмоний тарбия ўқитувчиси

Мадиримов Аҳмеджон — Хоразм вилояти Хонқа тумани марказий шифохонаси кардиология бўлими мудири

Норбоев Алишер Ҳақбердиевич — Сурхондарё вилояти касаба уюшмалари спорт жамиятига қарашли дзюдо ва кураш мактаби мураббийси

Ортиқхўжаева Муяссар Шамсиевна — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 16-поликлиниканинг маҳалла шифокори

Раимов Эргаш — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, болалар ёзувчиси

Раҳматуллаев Юсуф — Қашқадарё вилояти оналар ва болалар шифохонаси 2-жарроҳлик бўлими мудири

Ульченко Лариса Степановна — Тошкент вилояти Чиноз тумани марказий шифохонаси бош шифокори муовини

Диёримизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кўлга киритган ютуклари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаева Махпират Нурматовна — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 10-ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг инглиз тили ўқитувчиси

Алимов Мирсардор Соатович — Ўзбекистон «Ёшлик» кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари

Белолипов Игорь Владимирович — Тошкент давлат аграр университетининг ботаника ва табиат муҳофазаси кафедраси мудири

Воронова Любовь Дмитриевна — «Ўзбекфильм» киностудияси ранг танлаш устаси

Гаглоева Римма Ильинична — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

Джусупов Маханбет — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг рус тили кафедраси мудири

Иброҳимова Насиба Исмоиловна — Ўзбекистон давлат санъат музейи директори

Иноятов Сулаймон Иноятович — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Навоий вилояти бўлими раҳбари

Истомин Александр Алексеевич — Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг жисмоний тарбия ва спорт кафедраси мудири

Крушевская Эмилия Федоровна — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

Митрофанова Валентина Максимовна — Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри актёри

Ногаева Роҳила Кенжебековна — Навоий вилояти Томди туманидаги 5-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси

Ногин Анатолий Николаевич — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси электротехника цехининг катта устаси

Ортиқов Абдужалил Абдуғаниевич — Ўз ФА Ҳ.Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институтининг илмий котиби

Печеницин Владимир Петрович — Ўз ФА «Ботаника» илмий-ишлаб чиқариш маркази лаборатория мудири

Полонская Татьяна Семёновна — «Ўзтелерадио» компанияси Халқаро телеканали дирекцияси бўлим бошлиғи

Пятаева Эльвира Владимировна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти илмий котиби

Рамазонов Шавкат Жаводович — «Ўзолмонҳотел» қўшма корхонасининг бош муҳандиси

Рудаков Виктор Евгеньевич — Ўзбекистон радиоси «Дўстлик» муҳарририяти бош муҳаррири ўринбосари

(Давоми 3-бетда)

НИҲОЛЛАР ЧИНОРЛАРГА АЙЛАНАЖАК

Ватанимиз — истеъдодлар юрти. Мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, жамиятда ўз муносиб ўрнини топиши, қобилиятини тўлиқ намоён этиши учун катта ғамхўрлик кўрсатиляпти. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва тавсияси билан таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти фикримизнинг яна бир яққол исботидир. Бир неча йилдирки, юртимизда санъат соҳасига дадил қадам қўяётган энг иқтидорли ёшларни ушбу юксак мукофот билан тақдирлаш яхши анъанага айланиб қолган.

Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида бу йилги «Ниҳол» мукофоти совриндорларини тақдирлашга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Тантанада сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ҳамидулла Кароматов мамлакатимиз Президенти номидан ушбу нуфузли мукофот совриндорларини самимий муборакбод этиб, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз раҳбари ёшларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб вояга етиши борасида ғамхўрлик кўрсатиб келаётганини алоҳида таъкидлади. Кейинги йилларда ана шу эзгу ишлар янада кенг қулоч ёйгани қувонарлидир. Қўшиқчилик ва мусиқа соҳасида ижод қилаётган навқирон санъаткорлар учун «Ниҳол» мукофотининг таъсис этилгани ёшларга бўлган эътиборнинг яна бир ёрқин намунасидир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йили Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинган «Ёш истеъдодлар учун «Ниҳол» мукофотини таъсис этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ асосан ёш санъаткорлардан иборат нуфузли танлов кенгаши тузилганди. Ўша йили умидли ёшлардан бир гуруҳи илк бор мазкур мукофот билан тақдирланган эди.

Бу йил ҳам мазкур кенгаш «Ниҳол» мукофотига тавсия этилган юздан ортиқ номзоднинг ижодий имкониятларини ҳар томонлама холис кўриб чиқиб, Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллик байрами арафасида улардан ўн нафарини ушбу юксак мукофотга муносиб деб топди. Ғолибларга мукофотларни ўтган йилларда ушбу совринга лойиқ топилган ёш хонандалар ҳамда таниқли санъаткорлар топширди.

— Аввало, ёшлардаги истеъдод қирраларининг янада кенгроқ очилишига имкон берувчи бундай мукофотнинг таъсис этилгани учун Юртбошимиздан жуда миннатдормиз, — деди Сайфулла Хусанов. — «Ниҳол»дек нуфузли мукофотга Ватанимиз мустақиллигининг ўн бир йиллиги арафасида ўғлим Фазлиддиннинг сазовор бўлиши биз учун олий саодат, деб биламан. Ҳозир у Буюк Британияда Уэльс Миллий консерваториясида таҳсил олмоқда. Фарзандимиз бу умидни ва ишончни оқлашига шубҳам йўқ.

Тадбирда «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва ижрочи ёшларнинг катта мусиқий дастури намойиш этилди.

■ **Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири**

✧✧✧

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

ЎТГАН ҲАФТА: ВОҚЕА, ТАҲЛИЛ, ШАРҲ

ОЛИЙ НОМ, ОЛИЙ ҚАДР, ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Дарвоқе, Мустақиллик берган бу имкон — эндиликда юртимизни жаҳон иқтисодиёти билан боғлайди, катта миқдордаги валюта маблағларини ишлаб топиш ва тежашга шароит туғдиради. Кўплаб янги иш ўринлари очилишига, шаҳар ва қишлоқларда йирик саноат корхоналарининг бунёд топишига, жойларда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга замин ҳозирлайди. Ва яна бир жиҳати — илгари қўшни Туркманистон ҳудуди орқали ўтадиган йўловчи поездларининг Тошкент — Нукус йўналиши оралиғини босиб ўтишга кетадиган вақти (соатига 60 километр тезликда) етти соатга қисқарди. Ўнлаб янги станциялар, темир йўл бекатлари қад кўтарди. Бу ҳам йўловчиларга, уларнинг олий қадриятига яраша қулайлик яратиш билан бирга, уларнинг вақтини ҳам тежаш имкони таъминланганлигидир.

21 август куни Президентимиз томонидан БМТ Бош котибининг қуролсизланиш масалалари бўйича ўринбосари Жаянта Дҳанапалани ва 23 август куни АҚШ Қуролли кучлари Марказий қўмондонлиги бош қўмондони Томми Фрэнксни Оқсаройда қабул қилганлиги ҳам мамлакатимизнинг ўтган ҳафтадаги сиёсий-ижтимоий ҳаётида кенг кўламли, муҳим воқеалар сирасига киради. Бу учрашув чоғида Юртбошимиз шундай деди: **«Минтақамиз хавфсизлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлида БМТ томонидан амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатларни Ўзбекистон ҳукумати юқори баҳолайди. Айни пайтда Ўзбекистон билан БМТ, шунингдек, унинг ҳузуридаги турли соҳаларда фаолият кўрсатувчи барча ташкилотлар ўртасида ишончли ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Бу ишонч келгуси ҳамкорлигимиз янада самарали бўлишига замин яратмоқда».**

Жаҳонда халқаро аксилтеррор операцияси бошланган даврдан буён ўтган бир йил ичида мамлакатимизга тўртинчи марта ташриф буюрган америкалик меҳмон билан бўлган мулоқотда халқаро терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари бўйича фикрлашилди. Меҳмонлар халқаро аксилтеррор коалициясини қўллаб-қувватлагани ва инсонпарварлик ёрдамини етказишда халқаро ҳамжамиятга кўрсатаётган ёрдами учун Ўзбекистонга ва унинг ҳукуматига миннатдорлик билдирдилар.

...Яна тўрт кун (атиги тўрт кун!)дан сўнг диёримизда эрк, хурриият, истиқлол эпкинлари эса бошлаганига, яъни, том маънодаги Мустақилликка эришганимизга роппа-роса 11 йил тўлади, дўстлар... Байрамингиз муборак бўлсин!

■ **Номоз САЪДУЛЛАЕВ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА ИЖТИМОИЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 2-бетда)

Рустамов Исмоил Раҳматович — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ижрочи директори

Савельев Лев Александрович — «Правда Востока» газетаси бўлим мудири

Сектименко Виктор Ефимович — Ер ресурслари давлат қўмитасининг Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти бўлим мудири

Туробов Шарофиддин Туробович — Меҳнат фахрийси, журналист

Узоқбоева Анаргуль — Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманидаги мурувват уйи ҳамшираси

Хилько Владимир Михайлович — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри концертмейстери

Цой Марьяна Герасимовна — Сирдарё вилояти Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежининг тарих фани ўқитувчиси

Шамсуддинов Ҳамидулла Убайдуллаевич — Ўзбекистон халқ артисти, дирижёр

Юсупова Умида Эргашевна — Сирдарё вилояти Гулистон тумани болалар шифохонаси мудири

Қаландарова Гулистон Саъдуллаевна — Хоразм вилояти Қ.Исмоилов номли илмий-универсал кутубхонаси директори

Ганиев Ботир Ваҳобович — Республика «Ҳунарманд» уюшмаси аъзоси, наққош

Ғуломова Одинахон Қодировна — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани мурувват уйи бош ҳамшираси

Ҳайдаров Файзи — Самарқанд вилояти Ургут тумани «Ургут садоси» газетаси муҳаррири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, миллий истиқлол ғоясини юртдошларимиз қалби ва онгига сингдириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдувоҳидова Бахтиёрхон — «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси либос цехи бошлиғи

Абдукаримов Диамат Тўхтаевич — Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти профессори

Абдураупов Бахтиёр — «Ўзтелерадио» компанияси махсус автокорхона ҳайдовчиси

Абдуханова Ҳалимахон Расиховна — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги саховат уйи фельдшери

Акрамова Хосият — Самарқанд вилояти «Отель Самарқанд» ҳиссадорлик жамияти ходими

Акромов Комил Исломович — Иккинчи Тошкент давлат тиббиёт институти қошидаги шифохона бош шифокори

Алимов Ғайбулла Яҳёевич — «Ўзтелерадио» компанияси республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи оператори

Амирова Людмила Юрьевна — Жиззах вилояти Пахтакор тумани Мирзо Улуғбек номидаги маданият саройи директори

Анварова Фаридахон — Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани санитария-эпидемиология назорати маркази врачи

Арутюнова Лариса Суреновна — Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси бош мутахассиси

Аҳмедов Абдулла — «Жиззах ҳақиқати» — «Джизакская правда» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Аҳмедов Мирмуслим Ҳайдарович — «Ўзтелерадио» компанияси техника бошқармаси бошлиғи

Байбосинов Сарсенбой Базарбаевич — Қорақалпоғистон Бадиий академияси кўргазмалар зали директори, рангтасвирчи

Болтаев Алланазар — Хоразм вилояти Хива тумани босмахонаси чоп этувчиси

Васильев Анатолий Анатольевич — «Баҳор» концерт зали саҳна машинисти

Гадойбоев Ботир Шораҳимович — «Ўзбектелефильм» студияси кинотасвирчиси

Генжамуродов Бахтияр Алламбергенович — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими ходими, ёзувчи

Даминов Абдулғани Абдуқаюмович — Андижон вилояти Избоскан тумани «Пахтакор» газетаси муҳаррири

Деҳқонова Гулсара — Республика ёш томошабинлар театри труппа бошлиғи

Ёриев Алижон Равшанович — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Сирдарё вилояти филиали жарроҳлик бўлими мудири

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович — «Фидокор» газетаси бўлим муҳаррири

Жўраев Юсуф Худойқулович — «Туркистон» газетаси муҳаррири ўринбосари

Жўраева Нурхон — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси соғлиқни сақлаш хизматининг Қўқон бекати шифохонаси шифокори

Зарикеева Замира Уразбаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг математика фани ўқитувчиси

Зокирова Саида — «Ўзкитобсавдо» давлат акциядорлик компаниясининг мутахассис-кутубхоначиси

Иброҳимов Нўъмон Ҳамидович — Фарғона вилояти Қўқон автойўл касб-ҳунар коллежи услубчиси

Ишманова Зубайда — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Йўлдошев Рустам — Самарқанд давлат тиббиёт институти кўз касалликлари клиникасининг врач-офтальмологи

Каримов Абдураззоқ Ботирович — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бўлим муҳаррири

Каримова Ўғилжон Салаевна — Урганч давлат университети қошидаги академик лицей директори ўринбосари

Кенжабоева Муаззам Иномовна — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани марказлашган кутубхонаси директори

Кистаубаев Шекербек Асилбекович — Тошкент вилояти Қибрай тумани марказий шифохонаси фельдшери

Комилов Қаҳрамон Садриддинович — «Ўзтелерадио» компанияси Бадиий жамоалар дирекцияси директорининг ўринбосари

Лозин Сергей Николаевич — Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 120-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг сузиш бўйича мураббийси

Мамасолиев Содиқ — Термиз давлат санъат касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Маҳмудхўжаева Матлубахон Саидбоқиевна — «Тошкент ҳақиқати» газетаси нусха кўчирувчиси

Мирзаев Туроб Мирзаевич — Навоий вилояти Конимех тумани марказий поликлиникаси кардиологи

Мирқосимова Элмира Зукруллаевна — Ўзбекистон давлат консерваторияси фортепиано кафедраси ўқитувчиси

Муҳамедова Маъмура Абдуғафуровна — Тошкент шаҳридаги мурувват уйининг физиотерапия ҳамшираси

Набиева Маъпура Нигматовна — «Гулистон» журнали бўлим муҳаррири

Нажимов Расул Холович — Бухоро вилояти босмахонаси чоп этувчиси

Назарова Мавлуда Жўраевна — Биринчи Тошкент босмахонасининг муқовалаш цехи тикувчиси

Нишонбоев Озод — Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани марказий шифохонаси бўлим мудири

Нуринбоев Рисқитилла Ўринбоевич — «Саодат» журнали фотомухбири

Нурматов Абдуваҳоб Нурмуҳаммадович — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Андижон вилояти бўлими раҳбари

Одилов Рихситилла Мирзахолович — Янгийўл китоб фабрикаси чоп этувчиси

Орипов Турғунбой — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекциясининг эфирга узатувчиси

Орлова Татьяна Юрьевна — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

Островский Владимир Леонидович — Ўзбекистон академик рус драма театрининг адабий бўлим мудири

Пардабоева Холида Эшонқуловна — «Сирдарё ҳақиқати» газетаси бўлим муҳаррири

Пўлатова Васила Раҳматовна — «Гулхан» журнали хатлар бўлими муҳаррири

Раҳимов Алишер Акбарович — Тошкент бадиий керамика тажриба комбинати кулоли

Раҳимова Мукамбар — Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти доценти

Раҳматов Шароф Сирожевич — Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқали драма театри директори

Раҳмонов Дарвишбек Урунбоевич — Тошкент вилояти Янгийўл тумани маданият бўлимининг «Қалдирғоч» цирк жамоаси режиссёри

Ржевская Галина Васильевна — Тошкент шаҳридаги 20-оилавий поликлиниканинг маҳалла педиатри

Рябова Елена Анатольевна — «Маънавият» нашриёти ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи

Самиев Йўлдош Самиевич — «Наманган ҳақиқати» газетаси мухбири

Соатқулова Муслима — Навоий вилояти Навбаҳор тумани марказий шифохонасининг бўлим мудири

Содиқов Адҳамжон — Фарғона вилояти Марғилон педагогика касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Солиҳова Азиза Қобиловна — «Муштум» журнали бўлим муҳаррири

Соттибоев Низомиддин — Андижон вилояти ўсма касалликлари диспансерининг бўлим мудири

Тайпатов Абдужалол Ғаффорович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қашқадарё вилояти мухбири

Темиров Бахтиёр Тоҳирович — «Ўзбекфильм» киностудияси пардоз цехининг бошлиғи

Темиров Ҳусан — Қашқадарё вилоят телерадиокомпанияси раиси

Темурова Гулжаҳон Рашидовна — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси Самарқанд бўлими махсус фондининг санъатшуноси

Тожибоева Мавлудахон Миржаҳоновна — Наманган вилояти Тўрақўрғон касб-ҳунар коллежининг информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари фани ўқитувчиси

Тожиев Абдували Абдулхаитович — «Халқлар дўстлиги» концерт саройи электромеханика хизмати бошлиғи

Тонких Светлана Михайловна — «Осиёсайёҳтранс» ҳиссадорлик жамияти ишчиси

Тошхўжаев Ҳамид Муҳамедович — Спорт фахрийси

Тудаева Мамлакат Суяровна — Сурхондарё вилояти Денов тумани марказий шифохонаси бош шифокори ўринбосари

Тўхтаев Қурбон Сафарович — Бухоро шаҳридаги мурувват уйи ходими

Тўхташов Исматилло Қосимович — Республика Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази бош мутахассиси

Убайдуллаева Марьям Гарифовна — Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

Усмонова Сахира Муротовна — Тошкент вилояти Бўка тумани 2-ўрта мактабининг математика фани ўқитувчиси

Файзиев Янгибой Манобович — Термиз тиббиёт коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Файзуллаева Роза — «Ўзбекфильм» киностудияси режиссёри

Хан Виссарион Геренович — Жиззах вилоят ихтисослашган болалар ва ўсмирлар Олимпия заҳиралари бокс мактаби мураббийси

Харченко Ольга Ивановна — «Тошкент оқшоми» — «Вечерний Ташкент» газеталари бош муҳаррири ўринбосари

Шафиулина Анипа Тастановна — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси ЭҲМ оператори

Ширие Рафиқ Халяфович — Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги болалар ва ўсмирлар теннис спорт мактабининг катта мураббийси

Эгамова Комила — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз технология касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

Эргашева Дилдор Акбаровна — Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 8-болалар боғчаси тарбиячиси

Якимова Любовь Петровна — Бухоро вилояти Когон шаҳар поликлиникаси бўлим мудири

Яҳёев Исмоилхон — Наманган вилояти Чуст шаҳар шифохонаси қон қуйиш бўлими мудири

Курбонова Шоира Чориевна — «Ўзбекрақс» бирлашмасининг Сурхондарё вилояти бўлими балетмейстери

Ғойибова Мукаррам Абдумажидовна — Тошкент рангли босма фабрикаси устаси

Ҳалилова Ҳайитгул Турсуновна — Қарши шаҳридаги болалар мурувват уйи энагаси

Ҳамидова Мухтабар Мусаевна — Тошкент тумани «Истиқлол нури» газетаси мухбири

Ҳафизов Алишер Раҳимович — Бухоро давлат университети ҳузуридаги академик лицей ўқитувчиси

Ҳафизова Саодат Маҳмудовна — Жиззах вилояти Фориш қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 август

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

ҚИРОЛИЧАНИНГ ШАХСИЙ МЕҲМОНИ

ТАВАЛЛУДИГА ЯҚИНДА 90 ЙИЛ ТЎЛАДИГАН ЎЗБЕК ОЛИМИНИ БУНДАН 42 ЙИЛ МУҚАДДАМ БУЮК БРИТАНИЯ ҚИРОЛИЧАСИ МЕҲМОН ҚИЛГАН ЭДИ

Академик Ҳабиб Абдуллаев умрини илмга, маъданшуносликка бағишлади. Ҳабиб Абдуллаев қисқа фурсат ичида турли фанлар бўйича маҳаллий олимларни тарбиялаш борасида бир қатор ишларни йўлга қўйди. Унинг ёш олимларни етиштириш борасидаги режаси ва тутган йўли мустабид тузумга унча ёқавермас эди. Чунончи, Марказкомнинг иккинчи котиби Титов билан кўп тўқнашишлар бўлган. У Ҳ. Абдуллаевни халқ душмани қилиб ҳибсга олишга тайёр эди. Заҳматкаш, ватанпарвар олим унинг дастидан кўп руҳий азобланган пайтлари бўлди. Бир гал Титов уни «националистсан» деб ҳақоратлаганида, Ҳабиб Абдуллаев «Сен ўзинг кимсан?..» дея эшигини қаттиқ ёпиб, чиқиб кетган.

Ўрта Осиёда биринчи Фанлар академияси очилишига у кўп ҳисса қўшди. Маъданшунослик фанининг асосчиларидан бири сифатида тарихда номи қолди. Ўрта осиёликлардан биринчи фан доктори бўлиш осон кечмади. Унинг 1950 йили ёзган «Маъданланишнинг гранитоид интрузиялар билан генетик боғлиқлиги» асари катта илмий тортишувларга учради. «Ҳабиб Муҳамедович совет олими эмас, у капиталистик давлатлардаги олимлар назариясини қўллаб-қувватлаган, ўшалар билан бир фикрга келган, у бизга ёт кишидир» деган таъналар келиб чиқди. Таъна-дашномлар 4 йил давом этди. Охири Ҳабиб Абдуллаевни ёқловчилар ҳам топилди ва дунё маъданшуносларини оёққа турғизган бу йирик асар Москвада қайта нашр қилиниши билан нишонланди.

1960 йили Ҳабиб Абдуллаев Франция геологик жамиятига аъзо бўлди. Шу йили Буюк Британия минерологик жамиятининг ҳақиқий аъзолигига қабул қилинди ва Королича Елизаветанинг шахсий меҳмони бўлди.

Фанлар академияси домла раҳбарлиги пайтида гуллади. Ўша пайтда шарқшунослик институтига Фаробий, Ибн Сино ва Беруниийларнинг илмий меросини ўрганиш ва уларнинг асарларини зудлик билан нашр қилдириш топширилган эди. Бунга сабаблардан бири шул эдики, Ҳабиб Абдуллаев 46 ёшида Абу Райҳон Беруниийнинг «Китобал Жавоҳир фи Маърифат ал-Жавоҳир» асарини ўқиб чиқиб: «Тавба деб айтай, отам тирилиб келганда ҳам шунча ҳайратланмасдим. Дунёда биринчи марта тошларни турларга ажратган ҳам, уларнинг солиштирма оғирлигини берган ҳам ўзимизнинг Беруниймиз экан! Яшавор, ўзбек!», деб ҳитоб қилган эди. «Мен ирсиятга ишонаман, Беруний, Фаробий, Улуғбеклар авлодларимиз. Орамиздан келажакда шулардай алломалар чиқади. Чунки бизнинг томиримизда уларнинг қонлари оқаётир», дея орзу қилгандилар домла. Улуғ олимнинг улуғ орзулари амалга ошадиган замон келди. Бугуннинг ўзидаёқ ўзбек ёшлари илм-фан бобида ҳеч кимдан кам эмас, балки ортиқ эканлигини намойиш этишмоқда.

Мустабид тузумда рўшнолик кўрмаган олимларимиз ҳам қадр топа бошлашди. Жумладан, академик Ҳабиб Абдуллаев ҳам. Куни кеча Ўзбекистон фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган бу олимни «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлаш тўғрисида Президентимиз Фармони эълон қилинди.

Ҳабиб Абдуллаев каби истеъдодли, заҳматкаш, фидойи инсонлар ҳар доим ўз юрти, ўз халқи ардоғида бўлади.

■ **Хайрулла РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
геология-минералогия фанлари доктори

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 27 сентябрь, 4, 11, 18, 25 октябрь кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига биринчи навбатда эркин муомаладаги валютага сотиладиган қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Жиззах вилояти, Фориш тумани, Омонгелди хўжалигида жойлашган 10-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (10-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 12 716 АҚШ доллари.

2. Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳрида жойлашган 2-сонли автомобилларга ёнилғи қуйиш шахобчаси (2-АЁҚШ).

Бошланғич баҳоси — 25 222 АҚШ доллари.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт.

Харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хорижлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиздан республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишларини сўраймиз.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржа маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www. uzrkmb. com

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ



«Покиза — М» фермер хўжалиги раиси Малик Каримов баравж ғўза пайкалларини кўздан кечирмоқда.

Юртдошларимизни Мустақилликнинг 11 йиллиги муносабати билан муборакбод этади. Ҳар бир хонадон аъзосига бахт- иқбол, нурафшон ҳаёт, барака ва ризқ-рўз тилаб қолади. Аслида, Мустақилликнинг мазмун ва моҳияти шу — инсон манфаати, халқ фаровонлиги, эл-юрт равнақи!

Бугун Ватанимиз бўйлаб авж олган фермерлик ҳаракати Тошкент вилоятилик кишилар фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Буни ўзига тўқ, атрофдагиларга фойдаси кўпроқ тегаётган фермерлар кўпайиб бораётганлигидан ҳам билса бўлади.

Оққўрғон туманидаги «Покиза — М» фермер хўжалигининг ташкил этилганлигига кўп вақт бўлмасада, иқтисоди бақувват хўжаликлардан саналади. Ўтган йили бу ерда 35,5 центнердан пахта ҳосили кўтарилишининг ўзи меҳнат қай даражада бўлаётганлигини кўрсатади. Бу йил эса фермер хўжалигида ғалладан 60 центнерлик хирмон уюлганлиги яна бир зафардир!

Вилоят фермерлар уюшмасига қарашли «А.Азимов» номли фермер хўжалиги деҳқонлари ҳам олдинги сафда боришга интилмоқдалар. Ўтган йили 16 миллион сўм соф фойда олишга эришди. Тасаввур қилинг: ёнма-ён жойлашган катта-катта ҳудудга эга айрим ширкат хўжаликлари шу фермер хўжалигича даромад қилолмаганлигига нима дейсиз? Аксинча, фермер хўжалиги қўшни хўжаликларга ҳам ўз техникаларидан кўмаклашаётганлиги қувонарлидир.

«А.Азимов» номли фермер хўжалиги раиси. «Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби Авазхон Азимов.

Фермер хўжалигида 25 киши иш билан таъминланган. Бу йил улар 35 миллион сўм даромад қилишни режалаштиришган.

Фермер хўжалиги 1995 йил Президентимизнинг Фахрий ёрлиғига, унинг раҳбари эса 1999 йилда «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлган.

Тошкент вилояти фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарияти.

TURON BANK

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

ТУРОН БАНК

Акциядорларни ва барча юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги сермашаққат ишларингизда улкан зафарлар тилайди.

ФАРҒОНА «АЗОТ»

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ

Азиз юртдошларимизни, фидокор деҳқонларимизни Ўзбекистон Истиқлолининг ўн бир йиллиги билан самимий табриклайди.

Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаб ўтмоқчимизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли иқтисодий ислоҳотларда бизнинг ҳам муносиб улушимиз бор. Зеро, Ўзбекистоннинг ягона мустақиллигини таъминлашда бизнинг ҳам ҳиссамиз қўшилаётганлигидан фахрланамиз. Ахир бизда ишлаб чиқарилаётган турли хил минерал ўғитлар мўл ҳосилнинг хамиртурушидир.

Ватандошларимизни улуғ байрам билан яна бир бор қутлар эканмиз, юртимиз осмони ҳамиша мусаффо бўлсин. Хонадонлардан эса қут-барака ва фаровонлик аримасин!

РЕСПУБЛИКАНИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА НУФУЗЛИ БАНКЛАРИДАН

БИРИ – АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»И

ЎЗ АКЦИЯДОРЛАРИ ВА МИЖОЗЛАРИНИ, БУТУН ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 11 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

Шу муносабат билан 2002 йил 20 августдан эътиборан 10 сентябрга қадар 6,5 ой муддатга қабул қилиниб, йиллик 50 фоиз даромад тўланадиган, манфаатли ва қулай бўлган

«МУҚАДДАС ЗАМИН»

муддатли жамғарма омонат турини таклиф этади.

Сиз ушбу омонатга бўш пул маблағларингизни «Пахта банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва омонат шартларига кўра фоизли даромадингизни биринчи бор 45 кун тўлиши билан, кейингиларини эса ҳар ойда олиб боришингиз мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 78-10-32, 173-25-56

«ПАХТА БАНК» СИЗЛАРГА СОҒЛИҚ, ХУШ КАЙФИЯТ ВА ОИЛАВИЙ ҚУВОНЧ ТИЛАЙДИ!

«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИ!

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Guliston da — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 771

uzb ovozi@sarkor.uz.

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

СПОРТ

ТЕРМИЗДА ШОВ-ШУВЛИ НАТИЖА

Футбол бўйича олий лига жамоалари 19-тур учрашувларини ўтказишди.

Турнинг марказий ўйинларидан бири Фарғонада «Нефтчи» — «Бухоро» жамоалари ўртасида кечди. Унда мезбонлар бухороликлар дарвозасига жавобсиз уч тўп йўллаб, ғалабалари сонини 13 тага етказиб олди. Тўпларни Мухтор Қурбонов, Сергей Лебедев, Мансур Саидовлар киритишди.

Термизда эса нафақат мухлис ва мутахассислар, балки «Сурхон» футболчиларининг ўзлари ҳам кутмаган натижа қайд этилди. Биринчи даврани ниҳоятда суст ўтказган мезбонлар кейинги турларда анча ҳужумкор ўйин намойиш қилишмоқда. Сўнгги ўйинда термизликлар «Сўғдиёна»ни йирик ҳисобда мағлубиятга учратдилар — 7:1.

Кеча Наманганда бўлиб ўтган «Навбаҳор» — «Пахтакор» жамоалари учрашуви билан эса мазкур тур баҳсларига якун ясалди. Бу ўйинда пахтакорчи Гочқули Гочқулиев киритган ягона тўп учрашув тақдирини ҳал қилди — 0:1.

Қолган учрашувлар натижалари билан танишинг: «Металлург» — «Трактор» — 2:0, «Қизилқум» — «Самарқанд-Д» — 1:0, «Дўстлик» — «Зарафшон» — 2:0, «Насаф» — «Қўқон-1912» — 4:1, «Андижон» — «Машъал» — 2:0.

20-тур баҳслари 29-30 август кунлари бўлади.

■ Эркин ХОЛБОБО

19-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	18	16	1	1	58-9	49
2. «Қизилқум»	19	14	1	4	45-17	43
3. «Нефтчи»	19	13	2	4	45-22	41
4. «Насаф»	19	12	2	5	41-22	38
5. «Металлург»	19	9	5	5	26-22	32
6. «Бухоро»	19	9	2	8	28-39	29
7. «Дўстлик»	19	9	1	9	26-29	28
8. «Навбаҳор»	19	8	3	8	32-27	27
9. «Андижон»	19	7	3	9	27-32	24
10. «Самарқанд-Д»	19	6	3	10	18-32	21
11. «Сурхон»	19	6	2	11	24-36	20
12. «Трактор»	19	5	4	10	21-34	19
13. «Қўқон-1912»	19	5	2	12	20-41	17
14. «Сўғдиёна»	19	4	4	11	20-35	16
15. «Машъал»	18	4	3	11	18-35	15
16. «Зарафшон»	19	4	2	13	19-36	14

«ОФАРИН» БАЙРАМГА ШАЙ

Тўй-ҳашам, байрам ва сайил навосиз бўладими? Йўқ!

Карнай-сурнай овози эшитилса, қалбингизга илиқлик югуриб, чеҳрангизда мамнунлик пайдо бўлиши, табиий... Сизни-ку билмадим, мен қачон ва қаерда карнай-сурнай навосини, доира-ю ноғора садосини эшитсам, кўз олдимга Абдурасул акани келтираверман. Боиси, тилга олиб ўтилган ана шу миллий мусиқа асбобларини у кишидан ўтказиб чаладиган, сайратиб юборадиган санъаткорни ҳали кўрмаганман ҳам, эшитмаганман ҳам. Абдурасул ака Ғуломов уларнинг қай бирини чалмасин жон киритворади, жон..!

Оллоҳ бандасига насибасини, обрў-эътиборини нимадан беришни ўзи билади, дейдилар. Ҳақ гап. Абдурасул акага буларни тўйларимиз, ҳашамларимиз, байраму сайилларимиз кўрки, таровати, таронаси — карнай-сурнайдан, ноғора-ю доирадан берган экан. Йўқса, меҳнат фаолиятини заводда чилангарликдан бошлаб ва бу касбда кўп йиллар ишлаган ишчи кунлар келиб, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист бўлади, деб ким ўйлабди дейсиз?

...Санъатга, миллий созларга бўлган иштиёқ созанда қалбида, таъбир жоиз бўлса, мудраб юрган куртак эканки, Абдукарим ака, Шамсимат ака, Одил ака, Комил ака сингари умри эл хизматида ўтган уста санъаткорлар устозлигида бу куртак мисли ғунчалаб кетди, гул очди, бўй таратди. Чархланиб борган ижод ва маҳорат Францияда ўтган XII жаҳон ёшлари фестивалида чирой очди. Ўзбек миллий созандачилигининг сеҳри ўшанда нафақат фестиваль иштирокчиларини, балки барча французларни ҳам ром этди. Кейинчалик бу тароналар Польшада, Россияда ботбот янгради...

Моҳир созанда Абдурасул Ғуломов Ўзбекистон филармониясидаги йигирма беш йиллик фаолиятидан сўнг «Ўзбекнаво» таркибидаги Академик ва халқ жамоалари дирекциясида карнай-сурнайчилар гуруҳига раҳбарлик қилди. Ўтган йили устозлари удумига кўра, у эл-юртнинг яхши кунларига хизмат қилишга иштиёқманд, фидойи ва иқтидорли ёш созандаларни жамлаб — «Офарин» гуруҳини тузди. Гуруҳга Фахриддин Рўзиев, Абдураҳим Ғуломов, Зокир Султонов, Абдулла Турсунматов, ака-ука Ислом ва Исмат Сойипов сингари сайроқи карнайчи-ю сурнайчиларни, Даврон Акбарбеков, Фурқат Султонов каби иштиёқли доирачию ноғорачиларни жалб этди. Бугун элнинг тўй-томошалари уларнинг хизматисиз ўтмайдиган бўлиб қолди. Наврўз ва Мустақиллик байрамлари тантаналари, маданият ва истироҳат боғларида, сайил-гоҳларда, тадбирларда Абдурасул Ғуломов бош бўлган «Офарин» гуруҳи жамоаси доим хизматга шай.

Яқинда гуруҳ аъзолари Тошкентдаги Қариялар уйида хайрия концерти берганларида завққа тўлган қарияларнинг ҳам рақсга тушиб кетганларини кўрсангиз эди... Қарсаклар, олқишлар... Бундай кезларда пайғамбар ёшидан ошиб, сочларига «қиров қўнган» отахон созанда Абдурасул ака Ғуломов одатда қўлини кўксига қўйиб, «Раҳмат, хизматингиздамиз!» — дея миннатдорчилик билдиради, холос.

— Мустақилликнинг 11 йиллиги шодиёналарига ҳам шай турибмиз, — дейди Абдурасул ака. — Янги дастурлар тайёрлаганмиз...

■ Юнус ЗИЁДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратда: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Ғуломов ўз шогирдлари — «Офарин» гуруҳи аъзолари билан.

Рустам ШАГАЕВ олган сурат

НОДИР СОВҒАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Буюк Британия қироличаси Елизавета II нинг мамлакатни 50 йилдан буён идора этиши муносабати билан ўтказилган юбилей тантаналари доирасида Букингем қасрида унинг оиласи томонидан дунёнинг турли давлатлар вакилларидан олинган нодир совғалар кўргазмаси очилди.

Узоқ йиллар давомида қиролликни идора қилаётган қиролича дунёнинг кўплаб мамлакатларига 76та расмий ташриф буюрган ва Британия ҳамдўстлик мамлакатларида 149 марта сафарда бўлган. Ундан илгариги Британиянинг ҳеч қайси қироли бунчалик кўп ва узоқ сафарда бўлмаган. Қиролича қаерга бормасин ҳамма ерда давлат раҳбарлари ва оддий аҳоли унга совғалар тақдим этишган.

Бугунги кунга келиб қиролича совғалар каталоги бир ярим мингга яқин буюмдан иборат, улардан 200 таси мазкур кўргазмада намойиш этилмоқда. Улар орасида Саудия Арабистони амири ҳадяси — саҳродаги воҳани акс эттирувчи олтин ҳайкалча, Жанубий Корея президенти Ким Дэ Джуннинг сополдан ясалган футбол тўпи, 1972 йили Франция президенти Жорж Помпеду тақдим этган винони совутиш учун мўлжалланган чигиртка шаклидаги катта идиш, Эрон шоҳи Муҳаммад Ризо Паҳлавининг фил суяклари бўлакларидан ва сандал дарахтидан ясалган катта ҳажмдаги стол совғаси ва бошқалар мавжуд.

Давлат раҳбарлари тақдим қилган совғалардан ташқари кўргазмадан машҳур шахслар ёки оддий фуқаролардан қабул этилган ноёб туҳфалар ҳам жой олган. Хусусан, машҳур рассом Салвадор Далининг Буюк Британия амири Филиппга ҳадя қилган икки расми ҳам бор.

Янги Гвинея — Папуа аҳолиси қироличага унинг миллий бош кийимида акс эттирилган портретини тақдим қилишган бўлишса, Нигериянинг йоруба қабиласи эса мунчоқ билан безатилган икки юмшоқ тахтни туҳфа қилишган.

Букингем қасрининг бош ошхоналаридан бирида жой олган кўргазма сайёҳлар ва оддий қизиқувчилар учун икки ой мобайнида очиқ бўлади.

■ Мардон ЁҚУБОВ «Жаҳон»АА Лондон.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани «OLIMJON ота» хусусий корхонаси **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат мобайнида қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: Жамбул к., 29-уй. Тел.: 53-62-43.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокимининг 2001 йил 22 июндаги 764-сон қарори билан давлат рўйхатига олиниб, Абсалом Ибрагимович Бобохонов номига берилган № 0518027 рақамли якка тартибдаги тадбиркорлик ҳақидаги патент йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши мазкур кенгаш масъул ходими **Махфуза ҲАЙДАРОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзкоммунмаштаъминот» ОАЖ бошқаруви ташкилотнинг собиқ раҳбари **Ортиқ Маҳмудович МАНСУРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Шарқ» нашриёти-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания газета комплекси бошлиғининг ўринбосари Абдураим Раҳмоновга падари бузруквори **ҚАЮМ ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.